

Turkiston

1925-yildan chiqqan boshlagan

«Kamolot» yoshlar ijtimoiy harakati Markaziy Kengashining nashri

www.turkiston.uz

2013-yil 13-mart, chorshanba № 20 (15658)

Navqiron avlod so'zi

Бахтлиман, сенга чин фарзанд бўлсам!

Пойтахтимиздаги мухташам «Туркистон» саройида бўлиб ўтган тантанали тадбир қалб дафтаримга ўчмас хотираларни муҳрлади. Чунки у ерда туриб мен Юртбошимизнинг Ватанимиздаги аёлларга, қизларга йўллаган табрикларини эшитдим. Менимча, ундаги биз, қизларга, аёлларга билдирилган эҳтиром сўзлари, қизларнинг илм олишлари учун янада қулай шароитларни яратиш, жамиятда аёллар роли ва нуфузини янада юксалтириш борасида айтилган фикрлар ҳеч бир ватандошимизни, ҳеч бир аёл-қизни тўлқинлантирмай қолмади.

Президентимиз ўз табригида: «Барчамизга аёнки, дунёда давлат ва жамиятнинг нуфузи, маданий даражасини кўрсатадиган мезонлар кўп. Лекин ҳар қайси миллат ва халқнинг маънавий камолотини яққол акс эттирадиган шундай бир мезон борки, у ҳам бўлса, жамиятнинг хотин-қизларга бўлган муносабати, ҳурмати билан белгиланади», дея бугун юртимизда аёл қадри нечоғлик юксак даражада эканини кўрсатиб берди.

Мен ўз олдимга жуда катта мақсадларни қўйганман. 2011 йили академик лицей, касб-хунар коллежлари ва умумий ўрта таълим мактаблари ўқувчилари ўртасида ўтказилган фанлар олимпиадасининг вилоят босқичида немис тили фани бўйича 1-ўринни олдим. Немис тилидан ташқари инглиз тилини ҳам пухта ўргандим. Ҳозирда рус тилини ўрганаёман. Республика болалар кутубхонаси томонидан ўтказилган «Йил китобхони» танловининг республика босқичида ғолиб бўлганман. Буларнинг барчасига бугун мамлакатимизда биз, ёшларга яратиб берилган шароитлар туфайли эришдим. Аминманки, ўқиса, изланса, интилса, ўзбекистонлик ҳар бир ёш йигит-қиз бундан ҳам юқори натижаларга эриша олади.

Зулфия номидаги Давлат мукофотини қўлга киритган куним оила аъзоларим, коллеждаги дўстларим, дугоналарим, аиниқса, устозларим жудаям хурсанд бўлишди. Мен уларнинг, халқимизнинг, бизни суюдиган, ишонч билдирадиган, ҳамиша қўллаб-қувватлайдиган мухтарам Президентимизнинг ишончини бундан сўнг ҳам оқлашга бор куч-ғайратимни сафарбар этаман. Ўқийман, изланаман, ҳамиша юксак марраларга интиламан.

Юртим, жоним тикай иқболингга мен, Бахтлиман, сенга чин фарзанд бўлсам!

Саидабону АБДУСАЛОМОВА,
Зулфия номидаги Давлат мукофоти совриндори, Андижон вилоятидаги Олтинқўл агроиқтисодиёт коллежи ўқувчиси



Сардор Муллажонов фотокolleжхи

Қувноқ ва зукко қизлар

Yangilik

Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетида «Қувноқлар ва зукколар» кўрик-танловининг янги мавсумига старт берилди. Ушбу танлов ҳар йили республикамиздаги олий таълим муассасалари ўртасида «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Марказий Кенгаши, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳамда республика «Қувноқлар ва зукколар» ассоциацияси ҳамкорлигида ўтказиб келинади.

«Қувноқлар ва зукколар» кўрик-танлови саралаш босқичининг биринчи гуруҳида Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия институтининг «Интеллектуал», Тошкент давлат тех-

ника университетининг «Муҳандис», пойтахтимиздаги «Ёшлик» талабалар шаҳарчасидан «Ёшлик» ҳамда «Камолот» ЁИХ Бўстонлик тумани кенгашининг «Дугоналар» жа-



моаси беллашди.

Баҳорнинг илк кунларидан бошланган янги мавсумни фақат қизлардан ташкил топган «Дугоналар» жамоаси бошлаб берди. Ушбу жамоа меҳмон сифатида қатнашишига қарамай, томошабинлар ва ҳакамлар ҳайъати аъзоларида илиқ таассу-

рот қолдирди. Жамоа қатнашчиларининг барчаси мактаб ўқувчиларидан ташкил топган.

Танлов якунида ушбу шўх-шодон, қувноқ қизлар энг юқори балл тўплаб, танловнинг кейинги босқичига йўлланма олди.

Бекзод ЙЎЛДОШЕВ

Hududlardan mujdalar

СУРХОНДАРЕ

Сариосиёда «Ташаббус — 2013» кўрик-танловининг туман босқичи бўлиб ўтди. Танловда тadbиркорлар, хунарманд ва фермерлар иштирок этишди.

Танлов сўнгида туман биринчилиги голиби деб «Хондиза савдо-сервис» масъулияти чекланган жамияти топилган бўлса, иккинчи ўринни «Одил-хол» хусусий корхонаси, учинчи ўринни «Моҳларойим» тикув-бичув корхонаси эгаллади. «Энг яхши фермер» номинацияси голиблигига «Рўзибадал» фермер хўжалиги, «Энг яхши хунарманд» номинацияси голиблигига Бахриддин Пардаев, «Энг ёш тadbиркор» номинацияси голиблигига Тошпўлат Тоғаев муносиб деб топилди.

ТОШКЕНТ ШАХРИ

Тошкент молия институтининг қошидаги Юнусобод академик лицейида «Ижтимоий ва маънавий муҳитни янада соғломлаштириш, диний ақидапарастликнинг олдини олиш» мавзуида давра суҳбати бўлиб ўтди.

Ўқувчи-ёшлар орасида ҳуқуқбузарлик ва жинойтчилик ҳолатларининг олдини олишга қаратилган ушбу тadbирда Юнусобод тумани прокуратураси, ички ишлар бўлими, Маънавият тарғибот маркази туман бўлими ҳамда «Обод» маҳалла фуқаролар йиғини фаоллари ва посбонлар қатнашди.

Тadbир давомида «Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликнинг профилактикаси тўғрисида»ги қонуннинг мазмун-моҳияти ҳақида тушунча берилди.

АНДИЖОН

Андижон қишлоқ хўжалиги институтида ўрта махсус касб-хунар коллежи ўқувчилари ўртасида «Ўрта махсус касб-хунар таълими муассасалари биринчилиги» шиори остида футбол мусобақаси ўтказилди.

Андижон туман ҳокимлиги, туман прокуратураси, ички ишлар бўлими, «Камолот» ЁИХ туман кенгаши, маданият ва спорт ишлари бўлими, Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси туман бўлими ҳамкорлигида ташкил этилган ушбу мусобақада тумандаги бешта касб-хунар коллежи жамоалари беллашди.

Қизгин ва мурасасиз ўтган мусобақа финалида Андижон туманидаги иқтисодийёт коллежи ва Храбек маиший хизмат касб-хунар коллежи тўқнаш келиб, 2:0 ҳисобида Храбек маиший хизмат касб-хунар коллежи устун келди. Мусобақа сўнгида голибларга Ҳаракатнинг туман кенгаши томонидан эсдалик совғалар топширилди.

Ташаббус бўлса, бас

«Ҳамкорбанк» ОАТБда «Камолот» ЁИХ бошланғич ташкилот фаолият кўрсатмоқда. Бошланғич ташкилот етакчиси — Шоҳжаҳон Ҳасанов. Ўтган йили у «Ватан равнақи йўлида бирлашайлик!» шиори остида ўтказилган «Камолот» ЁИХнинг корхона, ташкилот ва муассасалардаги бошланғич ташкилотлари етакчиларининг республика форумида қатнашиб, «Ижтимоий-иқтисодий йўналишдаги илғор тажриба муаллифи» номинациясида голиб бўлган эди.

Шоҳжаҳоннинг ташаббуси билан ташкилотда ёш ходимлар учун турли лойиҳалар амалга оширилмоқда. Жумладан, Заҳриддин Муҳаммад Бобур таваллудига бағишлаб «Ҳамкорбанк» ОАТБ бош банки ва амалиёт бош-

қармаси ходимлари иштирокида маънавий-маърифий тadbир ташкил этилган эди. Тadbир давомида Бобур ҳаёти ва ижоди, бой маънавий мероси ҳақида фикр юритилган. Шунингдек, банк кутубхонасига «Бобурнома»

ҳамда «Кўҳна Андижон» асарлари тақдим этилди.

Яқинда «Камолот» ЁИХ бошланғич ташкилоти томонидан «Касбга садоқатлилик — ватанпарварлик тимсоли» мавзуида ўтказилган ўқув семинари ҳам ёш банкирларга манзур бўлди. Унда банкнинг Андижон вилоятидаги филиалларидан 130 нафар ходим иштирок этди.

— Банкмизда ходимлар маънавий тарбияси билан шуғулланувчи гуруҳ фаолият кўрсатмоқда, — дейди «Камолот» ЁИХ БТ етакчиси Шоҳжаҳон Ҳасанов. — Унга бошланғич ташкилот фаол-

лари аъзо. Февраль ойида банкнинг Янгийўл, Чиноз, Олмалик, Урганч ва Нукус филиалларида «Замонавий банк ходимининг глобаллашув давридаги маънавий қиёфаси» мавзуида тренинг машғулотларини ўтказдик. Машғулотлар интерфаол шаклда олиб борилди. Ёш ҳамкасбларимиз билан бирга глобаллашув жараёни, «оммавий маданият» ва унинг салбий томонлари, маънавий иммунитет тушунчалари ҳақида мулоқот қилдик. Бу мавзулар тренинг иштирокчиларига слайдлар орқали қизиқарли тарзда ёритиб берилди.

Наргиза БАҲОДИРОВА

Шундай танлов яна ўтказилса...

— дейди иштирокчи талабалардан бири

«Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Самарқанд вилояти кенгаши ҳамда Самарқанд давлат чет тиллар институти ҳамкорлигида талабалар ўртасида инглиз тили бўйича «Тил билимдони» кўрик-танлови ўтказилди. Унда институт талабалари инглиз тилида олган билим ҳамда кўникмаларини амалда намойиш этишди.

— Мамлакатимизда Юртбошимиз ташаббуси билан ёшларимизнинг ҳар томонлама етук ва баркамол, интеллектуал салоҳиятга эга инсонлар бўлиб вояга етишлари учун барча шароитлар яратиб берилмоқда, — дейди «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Самарқанд вилояти кенгаши раиси Алишер Норбоев. — Танлов давомида шунга амин бўлдикки, ёшларимиз бугун бир нечта хорижий тилларда бемалол сўзлаша оладилар.

Кўрик-танлов уч шарт асосида ўтказилиб, унда талабалар инглиз тилида турли мавзуларда ўзаро беллашишди.

Таништирув шartiда иштирокчилар қизиқишларини, келажакдаги мақсадларини инглиз тилида баён этган бўлсалар, нотиклик шartiда танлов кунига қадар белгиланган мавзулар доирасида ҳакамлар ҳайъати олдида ўз маҳоратларини намоеён этдилар.



Кўрик-танлов иштирокчиларининг чиқишлари ҳакамлар ҳайъати томонидан муносиб баҳолаб борилди.

— Бу каби кўрик-танловлар кўплаб ташкил этилса, биз, талабалар институтда олган билимларимизни амалда намойиш этиб, мустаҳкамлаб боришимиз мумкин, — дейди инглиз филологияси факультети талабаси Зарнигор Бўриева. — Бугунги кўрик-танловда мен биринчи ўринга муносиб деб топилдим. Бундан жуда хурсанд-

ман. Ушбу кўрик-танлов республика миқёсида ҳам ташкил этилса, тенгдошларимиз билан ўзаро тажриба алмашсак, мақсадга мувофиқ бўлар эди.

Танлов якунида голиблар «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати вилоят кенгашининг махсус диплом ҳамда эсдалик совғалари билан тақдирланишди.

Жасур РАҲМОНОВ,
«Turkiston» муҳбири



Тошкент вилоятида ёшлар маънавиятига салбий таъсир кўрсатувчи оммавий таҳдидларга қарши ёшларда мафкурарий иммунитетни шакллантириш мақсадида «Камолот» ЁИХ ҳамда маҳалла фаолларидан иборат тарғиботчилар гуруҳи шакллантирилди.

Тарғиботчилар гуруҳи томонидан вилоятнинг барча туман ва шаҳарларида, хусусан, қишлоқлардаги ёш-

лар ўртасида тарғибот-ташвиқот тadbирлари ўтказилмоқда. Ана шундай тadbирлардан бири Тошкент дав-

Жаҳоломга қарши курашамиз

«Kamolot» hududi

лат аграр университети қошидаги академик лицейида бўлиб ўтди. У амалий семинар шаклида ташкил этилиб, «Фаровон турмуш — саломатлик гарови» мавзуига бағишланди.

Семинар давомида психологлар ва маънавият соҳаси мутахассислари ўқувчиларга ёшлар субмаданияти, шунингдек, «оммавий маданият»нинг бошқа кўринишлари, ақидапарастлик голяларига асосланган диний оқимлар ҳамда миссионерлик ҳаракатларининг туб моҳиятини тушунтиришди. Бундан ташқари, қизларни эрта турмушга узатиш ҳамда қариндош-уруғлар ўртасидаги никоҳ-



нинг салбий оқибатлари ҳақида атрофлича маълумот берилди.

Тadbир сўнгида иштирокчиларга «Тубанлик» ва «Жаҳолат» фильмлари намойиш этилди.

Дилором АБДУҒАФФОРОВА,
«Камолот» ЁИХ Тошкент вилояти кенгаши бўлим мудири

Zulfiya nomidagi Davlat mukofoti sovrindorlari

Билим, интилиш инсонни юксакликка чоғлайди

Хушxabарнинг қаноти бор, дейишади. Гулистон давлат университети қошидаги 1-академик лицей ўқувчиси Маҳзуна Абдурасулованинг Президентимиз қарорига кўра Зулфия номидаги Давлат мукофоти билан тақдирлангани ҳақидаги гап бир зумда тарқалди. Айниқса, 1-академик лицей педагогик жамоасининг қувончи чексиз. Ахир, қувонмай бўладими, лицей ўқувчиси — Маҳзуна Абдурасулова устозларининг, ота-онасининг, қолаверса, тенгдошларининг ишончини оқлай билди, лицейнинг ифтихорига айланди.



Маҳзуна таълим олаётган 1-академик лицей вилоятдаги нуфузли билим даргоҳларидан. Ўқув масканида чинакам иқтидорли ёшлар, билимга чанқоқ ўқил-қизлар таҳсил олишади. Ҳозир мазкур таълим муассасасида ижтимоий-гуманитар, аниқ фанлар, хорижий филология, табиий-илмий фанлар сингари тўртта йўналиш бўйича 981 нафар ўқувчи пухта билим эгаллапти. Уларга 75 нафар малакали, ўз соҳасини мукамал биладиган ўқитувчи сабоқ беради.

Академик лицейда яратилган барча шарт-шароитлар иқтидорли ёшларнинг ҳар томонлама пухта билим олишига қаратилган. Лицейдаги мавжуд 42 та синфхона замонавий ўқув жиҳозлари билан таъминланган. Физика, кимё ва биология ўқув-лаборатория хоналари Жанубий Кореянинг «Эл-хол-

динг» фирмаси томонидан ишлаб чиқарилган замонавий ўқув жиҳозларига эга. 34 та фан тўғарагига 767 нафар ўқувчи жалб этилган. Академик лицейдаги замонавий типдаги ёпиқ спорт зали ҳамда ёзги футбол, волейбол, теннис спорт майдончалари ўқувчилар ихтиёрида. Булардан ташқари, 282 ўринли фаоллар зали, 240 ўринли ва 60 ўринли — жами 300 ўринли ўқувчилар тураржойи, 120 ўринли ошхона доимий хизматда.

Академик лицей Гулистон давлат университети кафедралари билан ҳар томонлама ҳамкорлик ўрнатган. Ҳамкорликда янги педагогик технологиялар ва инновацион янгиликлар яратиш, ўқитувчиларнинг илмий салоҳиятини ошириш борасида доимий изланишлар олиб борилмоқда. Бунинг натижасида, масофадан ту-

риб ўқитиш тизими йўлга қўйилди. Ўқувчиларнинг билим, малака ва кўникмаларини ҳамда ўқитувчиларнинг меҳнат фаолиятини холисона баҳолаш мақсадида доимий равишда рейтинг тизимидан фойдаланиб келинмоқда.

Ана шундай саъй-ҳаракатлар туфайли академик лицейда йилдан-йилга иқтидорли ўқувчилар кўпайиб бормоқда. Маҳзуна Абдурасулова ҳам зукко ва иқтидорли ёшлардан биридир. У ўзининг тиришқоқлиги, интилувчанлиги ва зийраклиги билан бошқа ўқувчилардан ажралиб туради. Ўтказилаётган қатор кўрик-танловлар, мусобақалар, фан олимпиадаларида доимо фаол. Унинг журналистика ҳамда шеърятга қизиқиши баланд. 2010 йилда «Мўъжаз гул» номли илк шеърӣ тўплами чоп этилган бўлса, ўтган йили «Тилак»

номли шеърӣ китоби нашрдан чиқди.

Ўтган йили Маҳзуна «Сирдарё зарқалами» вилоят кўриктанлови ғолиби бўлди. Бундан ташқари, адабиёт йўналиши бўйича «Келажак овози» мега танловида муваффақиятли қатнашди. Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги томонидан ташкил қилинган «Аёл — маънавият гулшани» IV республика илмий-амалий конференциясида иштирок этди.

— Маҳзуна Абдурасулова ўқиш жараёнида ўзининг фақат ижобий хислатларини намён этиб, ўқитувчилар меҳрини қозонди, — дейди маънавий-маърифий ишлар бўйича лицей директори ўринбосари Акмал Абдуназаров. — У ҳамма фанлардан аъло ўқиш билан бирга, фан тўғарақларида мунтазам иштирок этиб, ўзининг билими, салоҳиятини оширишга ҳаракат қилади. Чет тилларни ўрганишга, спорт билан шуғулланишга жуда қизиқади. Бу билан ўз тенгдошлари орасида билимдонлиги, изланувчанлиги билан алоҳида ҳурмат-эътиборга сазовордир. Шунинг учун ҳам Маҳзуна лицейимиз фаҳрига айланмоқда.

Маҳзуна сингари ёшлар ўз қобилияти ва иқтидори билан Зулфияхонимнинг муносиб издошларига айланмоқда. Биз эса истеъдод учкунининг чин маънода машъалага айланишига тилақдошмиз.

Ашурали БОЙМУРОД,
«Turkiston» мухбири

E'tibor

Яқинда мактабгача таълим муассасалари, мактаблар, академик лицейлар ва касб-ҳунар коллежларида таълим олаётган 12048 нафар бухоролик спортчи қизга Президент совғалари топширилди.

Спортчи қизларга Президент совғаси

Олот, Ромитан, Гиждувон, Бухоро шаҳарлари мамлакатимиз шарафини халқаро майдонларда муносиб ҳимоя қилишга қодир етук спортчиларни тарбиялашда вилоятда етакчи ўринларини эгаллайди. Айниқса, бадий гимнастика, қизлар якка кураши, белбоғли кураш, теннис усталари вилоят аҳлининг фаҳрига айланган. Президент совғалари топширилиши маросимида улар ўз кўргазмали чиқишларини йиғилганларга намойиш этишди. Ва бундай эътибор улар қалбида бир умр сақланиб қолиши, бундай гамхўрлик янгидан-янги ютуқлар ва ғалабалар сари ундашини мамнуният билан таъкидлади.

— Жудаям ҳаяжондаман. Президент совғасини қабул қилар эканман, юрагимга юқори натижаларга эришишга сидқидилдан ҳаракат қилиш ниятини тугдим, — дея ўз шодлигини изҳор қилди бухоролик ёш бадий гимнастикачи Элнора Жамилова.

Лайло ҲАЙИТОВА,
«Turkiston» мухбири

Hunar — zar

Хазинаси ўз қўлида

Қарши санъат коллежида «Ташаббус — 2013» кўрик-танловининг Қарши шаҳар босқичи ўтказилди. Унда ёш ҳунармандлар, тадбиркорлар, дизайнерлар ўз маҳсулотларини намойиш қилдилар.

Кўргазма Қарши шаҳар ҳокимлиги, Савдо-саноат палатаси ҳамда «Хунарманд» уюшмасининг шаҳар бўлимлари билан ҳамкорликда ташкил этилди.

Кўргазмада намойиш этилган бир-биридан чиройли матолар, кўплаб буюмлар ҳамда уста-хунармандларнинг ажойиб маҳсулотлари иштирокчи ва меҳмонларда катта қизиқиш уйғотди. Таъкидлаш керакки, танловда иштирок этаётган аксарият тадбиркор ва хунармандлар ёшлардир.

— Мен танловда печворк (қуроқчилик) бўйича қатнашяпман, — дейди ёш тадбиркор Гулмира Хидирова. — Олти йилдан буён шу ҳунар билан шуғулланаман. «Тадбиркор аёл» уюшмасига аъзо бўлганим ҳам менга кўплаб имкониятларни берди. Ҳозирга қадар ўзим яратган маҳсулотлар билан бир қатор танлов ва кўргазмаларда иштирок этдим. Бугунги кўргазмага пахта буюмлар ҳамда қуроқлардан чойнакпўш, нимча, гуллар, қизлар сумкаси ҳамда турли ишланмаларимни олиб келганман.

— Ушбу кўргазмада қўли гул, ҳақиқий маҳоратга эга ҳамда ўз ишига уста бўлган тадбиркор ва хунармандлар сараланди, — дейди Савдо-саноат палатаси Қарши шаҳар бўлими бошлиғи Олим Боймуродов. — Албатта, ғолиблар танловнинг вилоят босқичига йўланма оладилар.

Танлов якунида ғолиб ва ташаббускор ёшлар ҳамкор ташкилотлар томонидан эсдалик совғалар билан тақдирландилар.

Акбарали ХУДОЙБЕРДИЕВ

Hududlardan mujdalar

ҚАШҚАДАРЁ

Вилоят «Ёшлар маркази»да ўн ёшдан ўн тўрт ёшгача бўлган «Камалак» болалар ташкилоти аъзолари иштирокида «Мен ҳам аскар бўламан!» кўриктанлови бўлиб ўтди.

Қашқадарё вилоят «Камалак» болалар ташкилоти, Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси, Мудофаага кўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилоти ҳамда Болалар ва оилаларни қўллаб-қувватлаш ассоциацияси ҳамкорлигида ўтказилган ушбу танловда Қарши шаҳридаги 15-, 29-, 45-ҳарбий мактабнинг «Қалқон», «Турон патриоти», «Шунқорлар» жамоалари қатнашди. Улар «Менинг юртим, менинг мактабим — бу менинг фаҳрим», «Билими зўр мингни йиқар», «Бизким, ўзбеклар — буюк сиймолар авлодимиз», «Спорт бизни дўстлаштирар», «Сафда юриш» каби шартлар бўйича беллашди.

Танлов сўнгида 45-ҳарбий мактабнинг «Шунқорлар» жамоаси ғолиб деб топилиб, Ҳаракатнинг вилоят кенгаши томонидан фаҳрий ёрлик ва эсдалик совғалар билан тақдирланди.

НАВОИЙ

Нурота туман қишлоқ хўжалиги касб-ҳунар коллежида «Шунқорлар» ҳарбий спорт мусобақасининг туман босқичи бўлиб ўтди.

«Камолот» ЁИХ Нурота тумани кенгаши, туман мудофаа ишлари бўлими ва «Ватанпарвар» ташкилоти ҳамкорлигида ўтказилган ушбу мусобақада тумандаги олти касб-ҳунар коллежидан ўн икки нафар ўқувчидан иборат жамоалар беллашди. Ҳакамлар томонидан жамоаларнинг сафда юриш тайёргарлиги, саф қўшиғи, жамоанинг махсус кийими, умумий сиёсий-ҳуқуқий тайёргарлиги, мерганлик маҳорати, фуқаро ҳимояси ва тезкор тиббий ёрдам кўрсатиш, граната улоқтириш, турникда тортилиш ва бошқа ҳарбий фаолият билан боғлиқ ҳаракатлари баҳолаб борилди.

Мусобақа якунида Нурота ижтимоий-иқтисодий коллежининг «Матонат» жамоаси ташкилотчилар томонидан I даражали диплом билан, Нурота қишлоқ хўжалиги коллежининг «Лочин» жамоаси II даражали диплом билан, 2-қишлоқ хўжалиги касб-ҳунар коллежининг «Чегарачилар» жамоаси эса III даражали диплом ва қимматбаҳо совғалар билан тақдирланди.

Баланд парвоз, кенг қулоч

Тилимизда зўр иборалар бор-да! Осмонларда учаман, самоларни қучаман, қанотимни ёзаман... Бу жумлаларнинг муаллифи қуш ёки самодаги самолётнинг йўловчиси эмас, оддийгина инсон. Яъни мақсадига эришиш учун қушдек парвоз қилаётган, манзилига шошаётган одамлар. Аслида, бундай кишиларни некбин, ҳамша юксак манзилларга интилувчи кишилар сифатида кўраимиз. Бу хислатлар тенгдошимиз Наврўза Яҳёевага ҳам хос. Негаки, у доим орзу, мақсадлар йўлидан юради. Бу йўл эса шунчалик узун, шунчалар узоқки, уфқларга бориб туташади. Ўшанда Наврўзанинг парвози юксак, қулочи катта, манзили яқин бўлади. Масалан, унинг 2012-2013 ўқув йилида Ўзбекистон Республикаси Президентининг стипендиясининг хорижий тиллар йўналишида голиб бўлишига ҳам баланд парвозларга интилиши сабабдир.



Наврўза таржима санъати-га қизиқади. Ўзбек халқ эртакларини англиз, япон тиллари-га таржима қилади. Бунда у эртаклардаги миллий менталитетни англиз, япон бадий таржима талаблари билан уйғунлаштиради.

— Таржима — яратилган асарни янгидан яратиш, — дейди Наврўза. — Шундай экан, таржимон китобхон олами, дунёқараш, қизиқиши билан ҳисоблашишга мажбур. Бўлмаса, таржима асари

ўзини тўла оқламайди.

Тўғри, асарнинг ички олами-га шўнғиш, уни бошқа тилда қайта гапиртиришнинг ўзи бўлмайди. Бу инсондан сабр, билим ҳамда маҳорат талаб этади. Ёш таржимон ҳам буни яхши англайди. Ва ўзбек, англиз, япон бадий адабиётини мунтазам ўқиб боради, ўрганади. Шунингдек, у халқаро конференцияларда таржимон сифатида ҳам фаол иштирок этади. Баъзида илмий нутқларни тўғридан-тўғри таржима қила-

ди. Ўшанда унинг ихтиёрида санокли сониялар бўлади. Аммо у хавотирланмасдан хатосиз, раво таржима қилади.

Ҳозирда Наврўза «Инглизча идиомаларнинг оғзаки нутқда қўлланилиши» мавзuida илмий изланиш олиб бормоқда. У оғзаки нутқда сўз бойлигимизни оширишга ёрдам берадиган идиомаларни ўрганмоқда. Уларни фаол сўзлар қаторига қўшишга ҳаракат қилмоқда. Қаҳрамонимиз бу масалани университет, мамлакат миқё-

сида ўтказилаётган турли илмий-амалий конференцияларда бир неча марта кўтариб чиқди. Ва ижобий натижага эришди. Янги идиомалар инглизча оғзаки нутқда муомалага киритилди. Масалан, If you don't speak in your language, you will lose part of yourself (сен ўз тилингда гапирмасанг, ўзлигингни йўқотасан).

Аслида, инсон парвозни ўрганади. Ўргатадиган муҳит эса соғлом бўлиши керак. Наврўза Сирдарёдаги 1-ихтисослашган мактабда ўқиган. Ҳозир у Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети таржима назарияси ва амалиёти факультетининг 4-курсда таълим олмақда. Устози, филология фанлари доктори, профессор Омон Мўминов ҳамда филология фанлари номзоди Назокат Жияновадан таржима санъатининг ўзига хос сирларини ўрганапти.

— Факультетимиз замон талабларига тўла жавоб беради. Лингафон ҳамда синхрон таржима хоналари бор, — дейди Наврўза. — Бунда биз хорижий тилларни турли методларда ўрганамиз. Дебатларда қатнашамиз. Устозларимиз доим бизни қўллаб-қувватлашади. Президентимизнинг 2012 йил

декабрдаги «Чет тилларни ўрганиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори кўпчилик қатори мени ҳам беҳад хурсанд қилди. Ва хорижий тиллар тарғиботида марказ сифатида университети-миз белгиланди. Ҳозирда хорижий тилларни ўрганиш бўйича тарғибот ишларини олиб бораёмиз.

Наврўза ислохотларга дахлдорлик ҳисси билан яшайди. Дахлдор инсон эса эътирофга лойиқ бўлади. У ҳам бир қанча муваффақиятларга эришган. 2011-2012 ўқув йилида Япониянинг Ўзбекистондаги элчихонаси томонидан ўтказилган нотиклик танловида биринчи ўринни эгаллади. 2012 йил 5-халқаро талабалар илмий-амалий конференциясида диплом билан тақдирланган.

Наврўзанинг баланд парвозининг сабабчилари кўп. Бу — унинг оиласи, жамият, университет ва энг асосийси, очик, кенг осмонни ўз бағрига олган Ватанимиз. Бир пайтлар инсонга баҳо беришда унинг нияти ва фикрига эътибор қаратиларди. Эндиликда эса унинг парвози ҳамда ҳаракати ҳисобга олинади. Негаки, замон ўзгарган, давр алмашган.

Кумар БЕГНИЯЗОВА

Menga so'z bering

Меҳр тафти

Инсон ҳаётининг чиройли бўлиши ва бахтиёр яшаш учун тинмай меҳнат қилади. Ҳаракатларимиз давомида қўлга киритган ютуқларимиздан бошимиз кўкка етади, баъзан эса, муваффақиятсизликдан яшашга бўлган иштиёқимиз бироз пасаяди.

Шундай дамларда яқинларимизнинг меҳр-оқибати далда бўлади бизга. Яхши ва ёмон кунларимизда суюнч бўла оладиган инсонлар яқинларимиздир. Улар ҳар қандай вазиятда ҳам биздан ўз кўмагини дариг тутмайдилар.

Гўзаллик дунёни қутқаради, дейишади. Бунга қўшимча қилиб, меҳр ва оқибат дунёни қутқаради, деб таъкидлаган бўлар эдим. Чунки биз қанчалик гўзалликка интилмайдик ва ундан баҳраманд бўлмайлик, гўзаллик меҳрчалик аҳамият касб этмаслигига гувоҳи бўламиз. Меҳр дилларда абадий яшайди, гўзаллик эса ўткинчидир. Меҳр-оқибат дилларни хушнуд, ташвишларни бартараф этишга қодир бўлган туйғу. Меҳр билан айтилган бир оғиз ширин сўз ҳам инсонни дарддан фориг этиши мумкин. Ҳаттоки, олис масофалар ҳам инсон қалбида жўш ураётган меҳр ҳиссини сўндира олмайди. Афсуски, баъзан шу меҳрнинг заррачасини ҳам бировга раво кўрмаймиз. Гўёки ўзганинг дардига малҳам ва ташвишига шерик бўлиш бизга оғирлик қиладигандек. Аслида, инсоннинг тақдир йўллари доим ҳам раво бўлавермайди.

Айтишадики, инсон вафотидан кейин ундан фақат яхши хотиралар қолади. Дарҳақиқат, инсоннинг қилган эзгу ишлари, яхши фазилатлари ва атрофдагиларга кўрсатган меҳр-оқибати ҳақидаги хотиралар абадийдир. Шундай экан, ҳар биримиз бир-биримизнинг қадримизга етайлик, яқинларимиз ҳолидан хабардор бўлайлик, ёру дўстларимиз кўнглини шод айлайлик.

Сайёра ЗУПАРОВА,
ЎзДЖТУ талабаси



Наврўз яқин...

Кечагина ҳамма ёқ оппоқ қорга бурканган, совуқ, қировли кунлар эди. Бугун эса ўлкамизда дилларни яйратувчи, ижод аҳлига илҳом бахш этувчи гўзал баҳор ҳукм сурмоқда.

Наврўз — кўкларнинг энг улғу байрами. Унинг пайдо бўлиши ҳақида турли афсоналар мавжуд. Наврўз чинакам табиат байрами. Ушбу байрам асрлар оша ривожланиб, такомиллашиб, бойиб келаверган.

Қиш бўйи сўлим фасл — баҳорни орзиқиб кутган кишилар ям-яшил дала-қирлар гулгун чечак таққан чоғларда очилиб-сочилиб лола сайлига отланадилар. Баҳор келиши билан баракали ҳосил олиш умидида яхши ният билан табаррук заминга уруғ қадаган

бободехқонлар, қўй-қўзиларини ўт-ўланлар баравж бўлиб ўсган яйловларга ҳайдаган чорвадорлар йилбошидан кейинги ойни «умид ойи» деб аташларида катта рамзий маъно бор, албатта. Чунки йил янгиланадиган, табиат яшарадиган, янги меҳнат мавсуми бошланадиган ажиб даврда инсон умидлари ҳам куртак отади. Шу боис аждодларимиз эзгу ният билан бошланадиган деҳқончилик ва чорвачилик мавсуми баракали бўлишига умид боғлаб, иш бошлашга одатланганлар.

Этнограф олим И.Жабборов томонидан Абдурахим Хўжаниёзовдан ёзиб олинган маълумотларга кўра, хоразмлик деҳқонлар қушларнинг кўкларига учиб келиши ва куз бошланиши билан иссиқ мамлакатларга учиб кетишини кузатиш асосида деҳқончилик ишларини бажарганлар. Қушларнинг баҳорги учиб келиши ҳамда кузги учиб кетиш муддатлари асосида яратилган анъанавий халқ тақвими «тўқич ҳисоби» деб ҳам аталган.

Турналар барвақт учиб келса, баҳор эрта бошланади, дейди деҳқонларимиз. Бу қушлар тўп-тўп бўлиб ўйин-рақсга тушса, кун исийди, улар қичқирса, ёмғир ёғади, деб таъбир қили-

нади. Тажрибали деҳқонлар турналарнинг кўкларига учиб келишига эмас, балки кузда иссиқ ўлкаларга учиб кетишига ҳам эътибор берадилар. Уларнинг кўп йиллик кузатувларига қараганда, кузда турналар баланд учса, куз узоқ вақт давом этади. Улар барвақт ва пастлаб учиб кетишса, қиш қаттиқ келади. Ҳатто халқ орасида «Турнанинг орқасидан аёз келади» деган нақл ҳам бор.

Хулоса ўрнида айтиш мумкинки, Наврўз инсон руҳини кўтарувчи, завқ-шавқ бағишловчи туйғулар, эзгуликлар байрамидир.

Эъзозхон КОЗИМОВА,
1-Тошкент педагогика коллежи 3-курс ўқувчиси

КЛИПОМАНИЯ

«Оммавий маданият»га эгизак иллат

Замонавий медицинада «телемания касаллиги» атамаси вужудга келган. Бу касаллик аломатлари телевизор олдида кунига сурункали равишда 5,5 соатдан (хафтасига 38,5 соат) вақт ўтказувчи инсонларда намоён бўлади. Бежиз эмаски, ҳозир баъзи мутахассислар телевидение гипноген хусусиятга эга экани ҳақида хавотирли фикрларни билдиришмоқда. Масалан, америкалик тадқиқотчи Марин Винн зангори экраннинг таъсири, ҳатто наркотик ва алкоголь таъсири билан тенглаштиради.

Маълумотларга кўра, мамлакатимизда ўсмирлар ҳафтасига 25 соат телевизор кўришади. Тўғри, ҳозирча вазият патология даражасига етгани йўқ. Аммо етмайди деб ҳеч ким кафолат беролмайди ҳам. Қолаверса, бугун дунё телеманларининг аксариятини ёшлар ташкил этишини унутмаслик даркор. Бизда ҳам телевизор шайдоларининг аксарияти болалар ва ўсмирлардан иборат. Ҳарқалай, айна чогда ёшлар телевизор кўриш-кўрмаслиги эмас, айнан қандай медиа, хусусан, телемаҳсулотларнинг истеъмолчисига айланаётганини таҳлил этиш мақсадга мувофиқдир. Бу жиҳатдан мусиқали клиплар мавзуси алоҳида муҳокамага лойиқ.

Ўтган йили «Камолот» ЁИХ қошидаги «Етакчи» ёшлар маркази томонидан «Замонавий клипларга ёшларнинг муносабати» мавзусида социологик тадқиқот ўтказилган эди. Унда республикамизнинг барча ҳудудларидан 14 ёшдан 30 ёшгача бўлган жами 1400 дан зиёд респондентлар иштирок этди. Сўровномадан маълум бўлишича, уларнинг 27 фоизи бўш вақтини мусиқа эшитиб ўтказар экан. Эътиборлиси шундаки, 24 фоиз респондентлар мусиқани телевизор орқали тинглашини айтишган. Табиийки, бунда ёшлар учун мусиқанинг ўзидан ҳам кўра, унинг телевизион шакли, яъни мусиқали видеоклип кўпроқ қизиқарлидир.

Мусиқали видеоклип — бу жуда қисқа ҳажмли (давомийлиги ўртача тўрт дақиқа бўлган) аудиовизуал асар. У томошабинга уч томонлама: ҳам видеотасвир, ҳам мусиқа, ҳам кўшиқ матни орқали таъсир кўрсатади. Ана шу учлик уйғунлиги ҳиссиётларимизни жунбушга келтириб, диққатимизни клипга узоқ вақт жалб этади. Шу туфайли мусиқали клип, аниқроғи, ундаги ахборот инсон онги ва онг остига осон сингади. Хўш, бу қандай ахборот?

Ҳар қандай мусиқали видеоклип кўшиқ матни ва мусиқасига юклатилган мазмундан ташқари, визуал ахборотга ҳам эга. Бундай ахборот, биринчи галда, хонанда ва аудитория ўртасида доимий алоқа ўрнатиш учун хизмат қилиши керак. Аслида, кўшиққа клип ишлашнинг бош мақсади ҳам ана шунда. Телеэкранда клипларнинг мунтазам намоёниши этилиши натижасида томошабин онгида хонанда образи муҳрланади. Клипда кўраётганларимиз — хонанданинг кийими, соч турмаги, тақинчоқлари, макияж, хатти-ҳаракатлари, рақс, декорация, махсус эффектлар — буларнинг бари визуал ахборотдир. Тасодиф эмаски, ёшлар кўпинча ўзи ёқтирган хонандага ўшагиси келади, баъзи ҳолларда эса, унга тақлид қилишга ҳаракат қилишади. Телеэкрандаги ўша «юлдуз», аслида, ўз ишининг устаси бўлмиш бир гуруҳ мутахассислар томонидан яратилувчи сунъий қиёфа — образ эканини улар қаёқдан ҳам билсин?!

Яна «Етакчи» ёшлар маркази томонидан ўтказилган сўровномага юзланамиз. Респондентларнинг 25 фоизи замонавий ўзбек кўшиқларида мазмун йўқолиб бораётганидан, 20 фоизи миллий мусиқа аънаёлари бузилаётганидан норозилик билдиришган. Энг кизиғи, ёшлар орасида ўзбек клипларида хориждан «ўғирлаш» ҳолатлари



Ўтган асрда юзага келган медиатараққиёт инсоният ҳаётини сезиларли равишда ўзгартириб юборди. Ахборот узатиш ва қабул қилиш тезлиги мислсиз даражада ошди. Биз ахборот маконида яшашни, ахборотни турли шакл ва воситалар орқали қабул қилишни ўргандик. Бироқ сўнгги пайтларда масс-медиянинг инсон хулқ-атвори ва руҳиятига таъсири тобора хавфли тус оляпти. Зеро, масала чиндан ҳам долзарб.

кўплаб учраётганини айтганлар ҳам бўлди. Улар сўралувчиларнинг 19 фоизини ташкил этади.

Юқорида мусиқали видеоклипни аудиовизуал асар, дедик. Соф санъат нуқтаи назаридан шундай. Аммо бошқа томондан, мусиқали клип медиа индустрия «зурриёди» эканини унутмаслик керак (илк мусиқали клиплар Фарбда «медиабум даври» деб аталувчи ўтган асрнинг охирида пайдо бўлган). Демак, клип медиамаҳсулотлар туркумига киради. Кўнгилочар маҳсулотлар бозорига мусиқали клипларга талаб, айниқса, катта. Шу жиҳатдан уларни замонавий медиамданият таркибига киритиш мумкин.

Боз устига, ҳозир мусиқали клиплар «оммавий маданият»нинг замонавий тури сифатида ҳам қабул қилинмоқда. Негаки, бу маҳсулот оммавий истеъмол учун мўлжалланган бўлиб, ижтимоий аудитория (омма)нинг эҳтиёжларини қондиришга хизмат қилади. Дарҳақиқат, бугун аксарият клиплар қайси давлатда ёки қайси миллатга мансуб хонанданинг кўшиғига сурага олинишидан қатъи назар, халқаро телеканаллар томонидан дунёнинг етти қитъасига трансляция қилинмоқда, уларни бугун ер юзида миллионлаб томошабинлар, турфа миллат вакиллари томоша қилишяпти.

Мусиқали клип «оммавий маданият»га дахлдор ҳодиса экани мутахассислар томонидан ҳам эътироф этилади. Хусусан, санъатшунослик фанлари доктори, профессор Акбар Ҳакимов клипни «оммавий маданият» феномени, яъни «оммавий маданият» таркибида вужудга келган янги ҳодиса деб атайди. Унинг фикрича, клип маданияти нисбатан янги ҳодиса бўлишига қарамай, Ўзбекистон ёшларининг кенг қатлами ни қамраб олган бўлиб, уларнинг эстетик тафаккури, маънавиятининг шаклланишига сезиларли таъсир кўрсатмоқда. Шу билан бирга, клип миллий шоу-бизнеснинг муҳим таркибий қисми ҳисобланади.

Дунёда, шу жумладан, юртимизда ҳам мусиқали телеканалларнинг фаолият кўрсатиши (дастлабки мусиқали канал — MTV 1981 йилдаёқ ташкил этилган) клип маданиятининг ёшлар субмадани-

яти даражасига етишига туртки берди. Нега айнан ёшлар субмаданияти экани тушунарли ҳол. Чунки телевизор ихлосмандларининг асосий қисми ёшлардир. Бироқ мусиқали клипларнинг ҳали дунёқароши тўлиқ шаклланмаган, ҳиссиётларга ўта берилувчан, тақлид қилишга мойил ўсмир-ёшлар орасида кун сайин шухрат топаётгани ва, ҳатто улар учун муайян маданий қобикқа (субмаданиятга) айланиб бораётгани бир қарашда кўринганидек оддий ва беҳавотир ҳол эмас. Устига-устак, ёшларнинг, бугун ўзбек кўшиқларига ишланаётган клипларда хориждан «ўғирлаш» ҳолатлари кўплаб учраяпти, деган фикрида ҳам жон бор. Майли, плагиат борасида инсофни клипмейкерлар ва хонандаларимизнинг ўзларига қўйиб берайлик. Бизни масаланинг бошқа томони хавотирга солади.

Модомики, ҳозирги медиамаконда давлатлар ва миллатлар ўртасида чегараю тафовутлар йўқолиб борар экан (шундай бўляпти ҳам!), шунингдек, замонавий клиплар «оммавий маданият» феномени сифатида тан олинаётган бир пайтда бугун телеэкранларимизда сон-саноксиз хорижий ёки ўзимизники, аммо хориждан «ўғирланган» мусиқали видеомаҳсулотларнинг намоёниши этилиши юртимизга «оммавий маданият» унсурлари тўғридан-тўғри «экспорт қилинаётгани»дан далолат бермайдими? Ўзингизга савол бериб кўринг-чи, минг-минглаб ўзбек йигит-қизлари «замонавий» кийиниш, соч турмаклаш услубларини маза-матрасиз рақсларни қаерда кўриб ўрганаётган экан? Ахир, биз доимо танқид қиладиган, миллийлигимизга тўғри келмайди, дейдиган очиқ-сочиқ кийимлар, тор кўйлақлар, йиртиқ-ямоқ шимлар, қолаверса, бошдан-оёқ ғарбона маданият, масалан, европача тўй маросимлари ёхуд йигит ва қиз ўртасидаги менталитетимизга чиндан ҳам мутлақо тўғри келмайдиган ишқий муносабатлар кўрсатилувчи саҳналар замонавий клипларда тўлиб-тошиб ётибди-ку. Бундай манзарани кўриб ёшлар орасида миллий қадриятларимизни зўр бериб тарғиб қилишимиз бир ёқда-ю, минг-

лаб ёшларнинг кумирига айланган битта хонанданинг шарм-ҳаёсиз клипи бир ёқда эканидан ачиниб кетасан, киши. Ҳар иккаласини тарозининг икки палласига қўйсак, қайси бири кўпроқ тош босиши ҳам ўзингизга аён.

Тўғри, ўзбек ёшлари замонавий ўзбек мусиқасини яхши кўришади. Буни «Замонавий клипларга ёшларнинг муносабати» мавзусида ўтказилган социологик тадқиқот натижалари ҳам кўрсатиб турибди. Унга кўра, респондентларнинг 29 фоизи замонавий ўзбек мусиқасини ёқтиради. Қолаверса, уларнинг 23 фоизи замонавий ўзбек мусиқасига олинаётган клиплар ўзлари учун жуда қизиқарли ва томошабоп эканини айтишган. Бироқ сўровномада, асосан, 14-20 ёш оралиғидаги, яъни мусиқий диди шаклланмаган йигит-қизлар иштирок этганини эътиборга олмоқ лозим. Социологик тадқиқот давомида ёшларнинг ўзбек клипларига бўлган муносабати хонандалар кесимида ҳам ўрганиб чиқилди. Бунинг учун 22 нафар эстрада хонандаси саралаб олинди.

— Дастлаб респондентларимиздан қайси хонанданинг клиплари ўзларига манзур эканини сўрадик, — дейди «Етакчи» ёшлар маркази директори Нодир Субҳонов. — Бу жиҳатдан Ўзбекистон халқ артисти Озодбек Назарбековнинг клиплари яққол оустунликка эга бўлиб чиқди. Унга 44 фоиз респондент овоз берган. Кейинги ўринларда Улугбек Раҳматуллаев ҳамда Райҳон Фаниева турибди. Яна бир қизиқарли жиҳат. 20 фоиз респондент «Уммон» гуруҳининг клипларини ёқтиришини айтган. Бироқ бу вариантни, асосан, 20 ёшгача бўлган ёшлар белгиллашган. «Уммон» гуруҳининг ижоди ёқмайди, деб жавоб берганларнинг 80 фоизидан зиёди эса, аксинча, 20 ёшдан катта респондентлардир.

— Умуман олганда, тадқиқотимиз бугунги ёшлар сифатли клипни сифатсиздан ажрата олишларини кўрсатди. Бу қувонарли ҳол, албатта, — деб таъкидлайди Н.Субҳонов. — Аммо 20 ёшгача бўлган респондентларда мусиқий дид ва дунёқарош ҳали тўлиқ шаклланмаган. Шу боис улар клиплардан жамиятда инкор этиладиган, миллийлигимизга мос келмайдиган хатти-ҳаракатларни ўзлаштиришга мойилроқ бўлишмоқда.


— Ёшларнинг клипларга қизиқишини мусиқага бўлган қизиқиш келтириб чиқаради, — дейди психолог Лукмон Қозоқов. — Мусиқий дид эса, инсонда ўрта ҳисобда 4-5 йилда ўзгариб туради. Ёшингиз ўтган сари сизга мумтоз мусиқа, фольклор куй-кўшиқлари кўпроқ ёқа бошлайди. Ўсмир-ёшларнинг, асосан, поп, рок, жўшқин эстрада мусиқасини эшитиши шу ёшда уларнинг организмда кечадиган табиий биологик жараёнлар (асосан, гармонал ўзгаришлар) билан боғлиқ. Эътибор берсангиз, ўсмирлар қизиққон, жиззак, баъзан, ҳатто агрессив бўлишади. Бола ўзидаги ана шу ички энергияни чиқариб юбориши керак. Шу боис у шовқин-суронли, инсонни жунбушга келтирувчи мусиқани танлайди.

Глобаллашув, маданиятлар тўқнашуви шароитида яшаётган инсон учун телевизион ёқиб, мана бу клип миллийлигимизга мос, шуни кўраман, мана буниси эса, шарм-ҳаёдан мосуво, тарбиямни бузади, шу туфайли уни кўрмай кўяқолганим маъқул, деб уларни сарагини саракка, пучагини пучакка ажратиш жуда қийин. Ахир, телеэкран биздан қайси медиамаҳсулотни истеъмол қиласан, деб сўраб ўтирмайди, дидимизга мос келадими-йўқми, тайёрини тақдим этаверади — орасидан танлаш имконияти ҳам йўқ. Ақлини таниган, муайян маънавий иммунитетга эга катталарнинг онгини-ку беҳаё клиплар билан заҳарлаш қийиндир, эҳтимол, аммо болалар, ўсмирларнинг-чи? Оппа-осон. Айниқса, телевизор қаршида соатлаб ўтирган бола телемания касаллиги тугул, ахлоқсизлик ва маънавиятсизлик дардига мубтало бўлиши ҳеч гап эмас. Фақат бой берилган вақтни ортга қайтариб бўлмайди. Бой берилган авлодни ҳам.

 Kitob javoningizga

Ўқувчилар учун янги дарслик

Мамасоли Жумабоев муаллифлигидаги «Болалар адабиёти ва ифодали ўқиш» номли дарслик нашрдан чиқди. Янги ўқув адабиёти мактабгача таълим муассасалари тарбиячиси йўналиши бўйича таълим олаётган касб-хунар коллежлари ўқувчилари учун мўлжалланган.



Болалар учун ёзилаётган асарларнинг тили содда ва равлон, қизиқарли бўлиши талаб қилинади. Муҳими, бундай асарлар болаларнинг қалбида она-Ватанга муҳаббат уйғотиши, юксак ғояларга, эзгу ишларга илҳомлантира олиши лозим. Дарслик муаллифи ана шу мақсадларга хизмат қилдиган асарларни саралаб, ўқувчилар учун ажойиб тўхфа тайёрлаган.

«Болалар адабиёти ва ифодали ўқиш» дарслигида ўзбек болалар адабиётининг пайдо бўлиши, шаклланиши, ривожланиш тарихи атрофлича таҳлил қилинади. Унинг асосини халқ оғзаки ижоди, Шарқ алломаларининг ижоди ва жаҳон болалар адабиёти намуналари ташкил қилган.

Дарсликда болалар китобхонлигини ўқувчиларнинг педагогик-психологик хусусиятларига кўра, мактабгача таълим ёшидаги болалар китобхонлиги (2 ёшдан 7 ёшгача), мактаб ёшидаги кичик болалар китобхонлиги (7 ёшдан 11-12 ёшгача), ўрта ва катта ёшдаги болалар китобхонлиги (13-14 ёшдан 15-16 ёшгача) гуруҳларга ажратиб ўрганиш тавсия қилинади.

Дарсликнинг «Халқ оғзаки ижоди ва болалар китобхонлиги» бўлимида алла-қўшиқлар, мақоллар, топшмоқлар, тез айтишлар ва эртақлар тўғрисида батафсил маълумот берилиб, уларнинг пайдо бўлиши, болалар нутқининг шаклланиши ва тарбиясидаги аҳамияти жонли мисоллар орқали очиб берилган.

«Ўзбек болалар адабиёти» бўлимида мумтоз адабиётимизни янги тараққиёт поғонасига кўтарган буюк шоир Алишер Навоийдан бошлаб, ҳозирги кунда болалар адабиёти ривожига муносиб ҳисса қўшиб келаётган шоир ва ёзувчилар ижоди ва фаолияти кенг ёритилган. Жумладан, дарсликда Муҳаммад Шариф Гулханий, Абдулла Авлоний, Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий, Фафур Фулом, Ойбек, Қуддус Муҳаммадий, Ҳамид Олимжон, Зафар Диёр, Пўлат Мўмин, Худойберди Тўхтабоев, Фарҳод Мусаев, Турсунбой Адашбоев, Муҳаммад Али, Анвар Обиджон, Абдусайд Кўчимов, Кавсар Турдиева, Абдурахмон Акбар сингари адабиёт вакиллари болаларга бағишланган асарлари тўғрисида оддий ва равлон тилда ҳикоя қилинади. Аҳамиятлиси, ушбу дарсликда болалар адабиёти намоёндаларининг ҳаёти ва ижоди янги маълумотлар билан бойитилиб, ўқувчи эътиборига ҳавола қилинган.

«Чет эл болалар адабиёти» бўлимида жаҳонга машҳур Шарль Перро, Даниэл Дефо, Жонатан Свифт, ака-ука Гриммлар, Александр Пушкин, Ханс Кристиан Андерсен, Николай Некрасов, Лев Толстой, Корней Чуковский ва Маршак асарлари ҳамда фаолияти болаларга хос усулда ҳикоя қилинади.

«Ифодали ўқиш» ва «Бадий асарларни сахналаштириш» бўлимларида эса, болаларни ифодали ўқишга ўргатиш ҳамда бадий асарларни тўғри сахналаштириш юзасидан зарур тавсия, йўл-йўриқлар берилган. Дарслик гарчанд касб-хунар коллежларининг мактабгача таълим муассасалари тарбиячиси йўналишида таълим олаётган ўқувчилар учун мўлжалланган бўлса-да, ундан академик лицей, педагогик йўналишдаги касб-хунар коллежлари ўқувчилари ҳам фойдаланишлари мумкин.

Абдуғани АБДУРАҲМОНОВ

Мавзуга доир ҳикмат

Мутолаа инсонни билимдон қилади, суҳбат зукко бўлишга, ёзиб олиш одати эса аниқ бўлишга ёрдам беради.

Франсис Бэкон

Бўлажак чемпионлар



Пойтахтимизнинг Шайхонтоҳур туманидаги «Ёшлик» спорт мажмуасини миллий футболимизнинг қалдирғочлари улғаяётган маскан деб аташ мумкин. Бу ер ҳар доим футболнинг умидли авлодлари билан гавжум. Келгусида катта футбол майдонларида тўп суришни мақсад қилган, шашти баланд ёш спортчилар — Сардор Ҳожибоев, Абдурасул Абдумажидов, Асад Беклархонов, Лазиз Файзиев машғулотларга узлуксиз қатнайди. — Дарсдан кейин бизни фақат шу ердан топишингиз мумкин, — дейди ёш футболчилар.

Сардор МУЛЛАЖОНОВ фотолаҳаси

 Imkoniyat

Шароит ва самара

Тиббиёт тизимида ҳамшира тайёрлаш вазифасини замон талабига мос равишда тубдан ўзгартириш таълим соҳасида олиб борилаётган бугунги ислохотларнинг асосий мазмунига айланган. Ўқувчиларда амалий кўникмаларни пухта эгаллашни амалга ошириш таълим беришнинг устувор вазифаси қилиб белгилаб қўйилган. Бу борада Жиззах вилоятидаги Фаллаорол тиббиёт коллежида олиб борилаётган ишлар ҳам таҳсинга сазовор.

Ушбу ўқув йилида коллежда тайёрланаётган «Ҳамширалик иши», «Даволаш иши», «Стоматология иши» ва «Акушерлик иши» мутахассисликлари ҳудуддаги талаб ва эҳтиёжга тўғри келади. Коллежда таълим сифатини ошириш, ўқувчиларни «Устоз-шоғирд» аъналарига мувофиқ амалиёт ўташ учун бириктириш ҳамда битирувчиларни ишга жойлаштириш ишларини такомиллаштириш мақсадида ўқувчилар Фаллаорол тиббиёт бирлашмаси ва унга қарашли қишлоқ врачлик пунктларида 447 нафар ўрта тиббиёт ходимига бириктирилган. 561 нафар битирувчини мутахассислиги бўйича ишга жойлаштириш учун уч томонлама шартномалар тузилган.

Самарқанд давлат тиббиёт институти билан коллеж ўртасида ҳамкорлик шартномаси тузилган. Институт ўқитувчилари тиббиёт коллежига зарур ўқув дарсликлари ва қўлланмалар яратилганда, замонавий асбоб-ускуналарни ишга туширишда, янги лаборатория ишларини йўлга қўйиш ва ўқув жа-

раёнига татбиқ этишда, лаборатория ва амалий машғулотларни услубий қўлланма ва кўрсатмалар билан таъминлашда амалий ёрдам кўрсатмоқда. Ушбу ўқув йилида коллежнинг умумқасбий ва касбий фан ўқитувчилари мазкур институтда малака ошириб келди. Илғор ўқитувчиларнинг ишларини омалаштириш доим диққат марказида. Э.Шодиев, М.Усмонов, Б.Шомирзаев, Ф.Нарзиқулова, Я.Қудратова каби илғор ўқитувчиларнинг таълим-тарбия жараёнида олиб бораётган ишлари омалаштириш учун тавсия этилган.

Республикамиздаги барча тиббиёт коллежларида терапия фани ўқитувчилари ва бошқа педагог ходимлар «Терапияда ҳамширалик иши» фанидан амалий машғулотлар учун методик қўлланмадан ҳозирда кенг фойдаланишмоқда. Коллеж директорининг ўқув ишлари бўйича ўринбосари Мақсуда Қаршибоева ана шу методик қўлланманинг муаллифидир. Бу қўлланмада ўқувчиларда зарур билим ва кўникмаларни



шакллантириш бўйича тавсиялар баён қилинган. Қўлланма тиббий таълим соҳасидаги замонавий билимларни янги педагогик технологиялар асосида ўқитишга мўлжалланганлигини алоҳида таъкидлаш жоиз.

— Касбий фанлардан мукамал ва чуқур билим беришга эътибор қаратганмиз, — дейди Мақсуда Қаршибоева. — Япониянинг JICA агентлиги томонидан берилган жиҳозлар олиб келиниб, шу асосда тренинг хонаси ташкил этилган. Ўқув амалиёти давомида бу жиҳозлардан самарали фойдаланишмоқда. Болалар касалликлари хонаси учун «КУВЕЗ» аппарати олинган. Президентимизнинг қарор ва фармойишлари ижроси изчил амалга оширилмоқда. Жорий йилнинг бошида коллежи-

миз ўқитувчиларининг компьютер ва инглиз тили бўйича саводхонлигини ошириш мақсадида қисқа курслар ташкил қилинди.

Коллежнинг 17349 китоб фондига эга ахборот-ресурс марказида ўқувчилар, ўқитувчилар ва аҳолининг бемалол фойдаланиши учун барча имкониятлар яратилган. Шу йилнинг февраль ойида ахборот-ресурс маркази ойлиги тадбирлари бўлиб ўтди.

Коллежда давлат таълим стандартларига жавоб берадиган маънавий-ахлоқий малакали мутахассислар тайёрлаш учун барча шароитлар яратилган. Албатта, бу шароитлар келажақда ўз самарасини кўрсатишига шубҳа йўқ.

Шоди ОТАМУРОД,
«Turkiston» мухбири

Иқтидорга қанот имкониятлар

Мамлакатимизда болалар санъатига, иқтидорли ёшлар камолотига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Буни болалар мусиқа ва санъат мактаблари фаолияти мисолида кўриш мумкин. Олмалик шаҳридаги 8-болалар мусиқа ва санъат мактаби жамоасининг ибратли ишлари бунга ёрқин мисолдир.

Ўз бағрига 480 нафар болани жамулжам этган мазкур санъат мактабида 45 нафар педагог мусиқа, тасвирий санъат, хореография йўналишлари бўйича сабоқ бераётир. Ўтган йили мактаб биносининг капитал реконструкциядан чиқарилиб, замонавий жиҳозлар билан таъминланганлиги айна муддао бўлди. Барча синфхоналар зарур жиҳозлар, мусиқа асбоблари билан бойитилди.

Албатта, шунга яраша жамоанинг кўтаринки кайфият, ташаббус билан меҳнат қилаётганлиги эътиборга молик. Айниқса, жамоанинг болалар богчаси, мактаб ва коллежлар, корхона ва ташкилотлар билан ҳамкорликда иш олиб бораётганлиги улар фаолиятининг сермахсуллигини кўрсатади. Мактабда ташкил қилинадиган деярли барча тадбирларга ота-оналар ва ўқувчиларнинг, шаҳардаги барча мактаблар вакиллари билан ҳамкорликда иш олиб бораётганлиги улар фаолиятининг сермахсуллигини кўрсатади. Мактабда ташкил қилинадиган деярли барча тадбирларга ота-оналар ва ўқувчиларнинг, шаҳардаги барча мактаблар вакиллари билан ҳамкорликда иш олиб бораётганлиги улар фаолиятининг сермахсуллигини кўрсатади.

Ўтган йил мобайнида мактаб жамоасининг қўлга киритган ютуқлари салмоқли бўлди. «Янги авлод» болалар ижодиёти фестивалининг вилоят босқичида муваффақиятли иштирок этган

скрипкачи Самандар Пўлатов, тасвирий санъат бўйича Алёна Гласова, фортепьяно чалиш бўйича Настя Са-



винок, Руфина Абдурахмонова, Нозима Абдурашидова юқори ўринларни эгаллади. «Академик чолғулар ва эстрада ижрочилиги» танловида қатнашган 30 нафар иштирокчи вилоятда биринчи бўлди.

«Ўзбекистон — Ватаниманим» кўшиқлар танловида ҳам мактаб жамоаси фаол қатнашди. Хусусан, ушбу танловнинг вилоят босқичида «Олмалик» кўшиғини маҳорат билан куйлаган Каролина Шайнулина иккинчи ўринга муносиб топилди. Албатта, иқтидорли ўқувчилар ютуғида устозлардан Лора Сим, Анна Осипова, Нина Сафронова ҳамда Татьяна Гавриленконинг хизмати катта. Айниқса, фортепьяно синфи

ўқитувчиси Нина Сафронованинг ташкилотчи ва жамоатчи сифатидаги саъй-ҳаракатлари ибратлидир. Айна унинг ташаббуси билан шаҳар миқёсида кўплаб тадбирлар, концерт дастурлари ташкил этилмоқда.

Шу ўринда мактабнинг Ольга Мирошниченко, Анастасия Ананина, Михаил

Фурман, Лора Сим, Людмила Бакулина, Асрор Усмонов, Елена Чернова каби маҳоратли ўқитувчилари меҳнати алоҳида таъкидлаб ўтиш жоиздир. Уларнинг меҳнати туфайли ўтган уч йил ичида қирқдан ортиқ ўқувчилар санъат, мусиқа ва хореография йўналишидаги турли ўқув юртларига кириб таҳсил олмақдалар.

Мусиқа ва санъат мактабида устоз-шоғирдлик анъанаси йўлга қўйилган бўлиб, илгор ўқитувчиларнинг иш тажрибаси ёш мутахассисларга сингдириб борилади. Ибратли жиҳатлардан бири шуки, мактаб жамоаси ўз ўқувчиларига мамлакатимиз ва жаҳон санъати дурдоналарини

Kelajakka e'tibor

тўлақонли намоиш этишга ҳаракат қилиб боради. Жумладан, мусиқа ва кино уйғунлигида ташкил этилган «Санъат олами» кинолекторийси ана шу мақсадларга қаратилган.

Мактабда олиб бориладиган маънавий-маърифий ишларнинг бутун кўлами ўқувчиларнинг мусиқа ва санъатга бўлган меҳрини оширмоқда. Жумладан, шаҳардаги академик лицей, кончилик, саноат ва металлургия коллежлари билан ҳамкорликда иш олиб борилади. Байрамларга бағишлаб концерт дастурларини ташкил этиш режалаштирилган. Бундан ташқари, шоир ва ёзувчилар билан учрашувлар ўтказиш анъанага айланиб бормоқда.

Мактаб ва коллежларда ўтказиладиган маърузахонлик кечалари, албатта, концерт дастурларига улашиб кетади. «Металлургия» маданият саройида ўтказилган «Ўзбекистон — умумий уйимиз» шiori остидаги фестивал кўпчиликда катта таассурот қолдирди.

Ёшлар боғидаги учрашувлар, концерт дастурлари ёшларга манзур бўлмоқда. Пойтахтимиздаги турли хил концерт ва спектакллари томоша қилиш учун эса, албатта, тез-тез саёҳатлар уюштирилмоқда.

Санъат мактабида меҳнат қилаётган устоз-мураббийларнинг аксарияти мактабнинг собиқ ўқувчилари. Шунинг учун ҳам жамоа аҳил ва жуда иноқ. Собиқ ўқувчиларнинг кўпчилиги етук санъаткор бўлиб этишган. Улар мактабга таълим этилиб, учрашувлар ўтказиб борилади. Бу каби ишлар болаларнинг санъатга бўлган меҳрини янада оширади.

Ашуралӣ БОЙМУРОД,
«Turkiston» мухбири



Итни топганга бир уй

Хитойнинг Сичуань вилоятида яшовчи олтамиш ёшли қария йўқолган итини топиб берганга уйининг калитини беришни ваъда қилди.

Чау-Чау зотида мансуб Сяо-Сяо лақабли ит етти йилдан ортиқроқ вақт эгасининг овунчоғи бўлган. Қариянинг сўзларига қараганда, Сяо-Сяо оила аъзолари учун ҳам катта аҳамиятга эга эди. Севимли итининг йўқлиғига кўника олмаган қария Хитойнинг кўп сонли фойдаланувчиларига эга бўлган «Weibo» сайти орқали жониворни топиб берганга 500 минг юан баҳосидаги (айни пайтда таъмирланаётган хонадон таъмирдан сўнг бир миллион юандан ошиш эҳтимоли бор) уйини суюнчи сифатида беришини айтди. Лекин бундай таклифни деярли барча ҳазил деб тушунди ва қарияга «Хозир тайёр ишимни ташлайман-у, итингни қидиришга тушаман», тарзида жавоб берди. Аниқроғи, барча буни машҳурлик учун ҳаракат дея баҳолади. Бобо эса, унга бу ёшда бундай шов-шув керак эмаслигини айтар экан, сеvimли ити учун, албатта, бир уйдан кечиши ҳеч нарса эмаслигини таъкидлаб ўтди.

Умри узоқ бўлсин

Япониялик Мисао Окава момо 115 ёшни қаршилади. У навбатдаги туғилган кунини ўз оиласи даврасида, ёқтирган таоми — суши билан нишонлади.

Унинг сўзларига қараганда, бу ёшни оиласи даврасида кутиб олиши катта бахт. Шунингдек, айна дамда Окава момо ўзини тетик ва соғлом ҳис қилмоқда. Йил бошида Бесси Купер исмли узоқ умр кўришда энг юқори ўринни эгаллаб турган аёл вафотидан сўнг Окава сайёрамизнинг энг кекса инсон сифатида қайд этилди. Японияда яна бир кекса инсон — 115 ёшдан ошган Дзирозэмон Кимура Окавадан бироз катта бўлса-да, унинг ҳужжатларида аниқлик етишмайди. Эслатиб ўтамиз, энг кекса инсон сифатида Гиннеснинг «Рекордлар» китоби рўйхатидан 122 ёш 320 кун умр кўрган француз аёли Жанна Кальман ўрин эгаллаган.

Савдолашса бўлмасмиди?

Бельгиянинг Антверпен вилоятида Хоогстратен аукционни ўтказилди. Энг қизиғи, бу аукционда ҳар йили кимошди савдосига қулупнай қўйилади.

Жорий йилда қулупнайнинг илк ҳосилидан икки килограмми нақ 4 минг еврога сотилди. Йил давомидаги рамзий аукциондаги биринчи харидор «Cargfour Belgique» компанияси бўлди. Аукцион анъанасига кўра, харидор келишилган пулни икки баравар қилиб тўлайди. Бор-йўғи икки килограмм қулупнайга 8 минг евро тўлаган компания эса бундан хурсанд бўлди. Сабаби, олинган маблағнинг барчаси хайрия фондларига ўтказилади ва Альцгеймер касаллигини даволаш учун ишлатилади. Ўтган йилда Хоогстратен аукционни 31 миллион килограмм қулупнай сотган эди.

**Интернет манбалари асосида
Жаҳиър КАРОМАТОВ тайёрлади**

БАҲОР ҲИСЛАРИ

Баҳорнинг измида кезади шамол,
Гулларнинг атрини атрофга ёйиб.
Наврўз тонги отар, ўзгача бу кун,
Майсалар юзларин шудринга чайиб.

Мавжланади дилда ажиб туйғулар,
Боғ томон етаклар тиниқ ўйларим.
Нигоҳимда ҳайрат, завқим беадоқ,
Авжланар дилдаги кўшиқ-қуйларим.

Хуш келдинг, баҳорим, замину дилга,
Улашиб қалбларга завқу шодонлик.
Гиёҳни кўзимга суртаман хушҳол,
Шукр бу кунларга, шукр омонлик.

БАХТИЁР ФАРЗАНДМАН

Истиқлол сийлаган юрт фарзандиман,
Бошимда хур офтоб зилэ сочади.
Қалбимда орзулар мен учун бу кун
Буюк бир келажак бағрин очади.

Юртим — гулшан, унда мен бир лоламан,
Ватанимнинг оташ қалбли қизиман.
Баралла айтаман бахтлардан жўшиб,
Бахтиёр диёрнинг бахтли қизиман.

Сен билан ёшлигим кетмайди нари,
Сен билан нақадар тоғлидир ҳаёт.
Сен билан манзилим гўзаллик сари,
Сен билан юксакда қоқаман қанот.

ҚИЗ ҚАЛБИ

Кўзларимга уялиб қоқиб,
Айлагандек пок ишқинг баён,
Мен-чи, ҳайрон қолиб, лол бўлиб,
Қолган эдим тилсиз, безабон.

Не дер, дея интиқ термудинг,
Севодаймаман — бўлди жавобим.
Бугун эса ногоҳ англадим,
Сендалигин асли хаёлим.

Ўз қалбимга қарши чиқдим-у,
Севмайман, деб тондим қанчалар.
Ҳисларимни енголмай, бироқ
Унсизгина ёндим қанчалар.

Сал кўрмасам, меҳринг соғиндим,
Кўришганда севиндим чексиз.
Не учундир сен йўқ жой — нурсиз,
Ҳаёт экан кўримсиз сенсиз?

Yoshlik ilhomi



Умидларинг сўндими охир,
Чарчадингми йўлимни пойлаб?
Кошки эди билсайдинг, бироқ
Қўйганингни дилга ишқ жойлаб.

Не ҳисларга асира бўлдим,
Бугун ўзим ўзимга лолман.
Сен қалбимга ўрнашиб олдинг,
Мен ҳам ошиқ қалбингда борман.

Қўлингни бер қўлимга, жоним,
Бахтлар сари ташлайлик қадам.
Мен қалбимни атадим сенга,
Юрагингни менга бер сен ҳам.

Алия АБДУРАҲМОҲОВА,
ЎЗМУ талабаси

